

YOSHLAR OVOZI

№ 74 (16379)
25-SENTABR, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

Konferensiya

Келажакни биз билан яратинг!

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Келажакни биз билан яратинг!" широри остида "Бутунжаҳон ёшлар конференцияси" ўтказилди.

Дунё ёшларини бир мақсад йўлида бирлаштириш, уларда лидерлик қобилиятини шакллантириш, мавжуд билим-салоҳиятини юзга чиқариш мақсадида ўтказилган тадбирда ёшлар "Олий Мажлис Қонунчилик палатаси", "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти", "Европа Иттифоқи", "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти", "Жаҳон банки" каби гуруҳларга бўлиниб, ўз йўналишида баҳс-мунозара олиб борди.

Конференциянинг иккинчи кунинда ёшлар ўзларининг янги лойиҳалари билан иштирок этди. Шунингдек, "Маърифат боғи" да давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида китобхонлик кечаси ташкил қилинди. Унда ёшлар ўзлари севиб мутолаа қиладиган китоблари, асар қаҳрамонлари хусусида сўз юритди.

Тадбир давомида Нурота шаҳрига саёҳат уюштирилди. Яқунда анжуман ташкилотчилари қатнашчиларга махсус сертификат ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Дилноза АБДУҲАМИДОВА

Ўтироф

УСТОЗ-ШОГИРДГА — АВТОМОБИЛЬ!



Бокс бўйича Екатеринбургда ўтказилган жаҳон чемпионатида 52 килограмм вази тоифасида олтин медалини кўлга киритган буюрчилик Шаҳобиддин Зоиров ҳамда унинг мураббийи Истам Кабиновга вилоят ҳоки-

ми Ўқтам Барноев Chevrolet Tracker автомобилларини топширди. — Екатеринбургда кечган мurosасиз ва шиддатли баҳслар биз учун омадли тугади, — дейди Шаҳобиддин Зоиров. — Бу

ютуқ ва муваффақиятларим ортида ҳаммашад дуода бўлган ота-онам ва Ватаним бор. Улар ҳамда мураббийим олдиди таъзимдан.

Лайло ҲАЙИТОВА

Besh tashabbus — amalda

Шаҳрам Ғиёсов ёшлар билан учрашди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида илм-фан, спорт, санъат ва маданият оид "Модул 5" лойиҳасини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашида "Модул 5" лойиҳасининг илк қаҳрамони, профессионал рингда муваффақиятли жанглар ўтказаватган чарм кўлоқ устаси Шаҳрам Ғиёсов билан учрашув ташкил этилди.

Учрашувда ёшлар нуфузли мусобақалар голиби ва совриндори бўлган Ш.Ғиёсовнинг ушбу галабага эришишга қадар босиб ўтган йўли, қийинчиликлари ва фаолияти ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Учрашувда сеvimли боксчимиз Шаҳрамнинг галаба нашидаси ортида катта қийинчиликлар, сабр ва матонат ётганини билиб олдик, — дейди Иномжон Маҳмудов. — Мен ҳам спорт билан шуғулланаман. Ушбу учрашув мени янада руҳлантирди ва Шаҳрам акамаг ўхшаган чемпион бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ж.ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Ozlik

"Ким нимани яхши кўрур?"

Бир аср. Ўзгариш ва ўнгиланиш учун етарли фурсат. Аммо шунча вақт мобайнида ҳам айрим иллатларни йўқ қилиб, йўқотиб бўлмас экан. Етуқ педагог ва ахлоқшунос бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Ким нимани яхши кўрур?" мақоласини ўқиб, шундай хулосага келдим. Чунки унда бугунги кунимиздаги баъзи кемтиклар ўз ҳолича, борича акс эттирилгандай таассурот қолдириди менда.

Жумладан, муаллиф мақолада маънавият оқиб қилиб, жамият тубанлик ёқасига кела бошлагани, меҳр-оқибат кўтарилиб, лоқайдлик авж олганидан зорланади. Халқни миллат ва унинг маънавияти, қадриятлари, Ўзлигини асраб қолишга чорлайди.

"Бизнинг бу ҳолига тушишимиз ўз феъли хўйимиздан"

Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар"да шу фикрини таъкидлайди. Аммо бу маърифий хитобга ҳеч ким қулоқ тутмайди. Менимча, бугунги кунда бу хато такрорланмайди. Чунки ҳозир юксак маънавиятга, камолотга интилувчи ва миллий ўзлигини асраб қолувчи маърифатпарварлар бир аср аввалгидан кўра кўпроқ.

Абдулла Авлоний ўзининг "Ким нимани яхши кўрур?" деб номлаган кичик бир асарига турли касбу кор тоифалари орасида фазилат ўрнига иллатлар урф бўлгани натижада миллат таназзулга юз тушатишини айтиб беради.

Абдулла Авлоний маънавият инқирозини касбий маъсулиятсизлик ва лоқайдлик қўради. Хусусан, олимлар, тўғрироғи, олимликни даъво қилувчилар ҳамда ўқитувчилар орасидаги айрим иллатларни танқид қилади:

"Уламоларимиз дарсу таълим ўрнига, бир-бирлари ила ўрун таллашиб, муқаррар ва муқаррар бўлишни, ўзлари бўлмай қолсалар, эшикма-эшик юруб сайловни бузишни яхши кўрурлар."

Бу аниқ далилларга ҳам масъулиятсизлик,

садокатсизлик, ғаразўйлик, молпарастлик, мансабпарастлик, эътиборталаблик, ноинсофлик ва ҳасад қабилар сабаб бўлгани аққол кўриниб турибди.

"...шунча ўқуганинг етар, пул топ!"

Авлоний ўз даврининг бойлари, савдогару дўкдорларига халқ аҳволидан хабар олмаслик, фақат ўзини ўйлаш, иллатларга берилиш айбини кўяди. Мана исботи: "Бойларимиз орқа-ўнларига қарамастан, фойда ва зарарларини ойирмасдан бир-бирларига рақобат қиламан деб, "бонка" ва "қридт"ларини кўпайтуруб, дўфилири тор келганда ўзгаларнинг молларини букуб-синишини яхши кўрурлар.

Мўйсафилларимиз намоз ва ниёз ўрнига, масжид эшигига йиғилуб ўтуруб, хар кимни гийбат ва шикоят қилишни яхши кўрурлар. Савдогарларимиз: "Тўйликни тўйин ўтар, тўйсизни куни ўтар" деган сўзга амал қилмай, қайси маҳаллада тўй бўлса, дастурхончилик қилишни яхши кўрурлар. Дўкдорларимиз ишларини тартиб-ла солмай, замонага мувофиқ иш юритмай, Маллахон замонидан қолган эски дўкон, эски тос, эски тартибларини яхши кўрурлар" деб, уларнинг бўйинига ҳақли равишда ҳасад, очкўзлик, худбинлик, гийбатчилик, исрофгарлик, ақидাপарастлик, хафсаласизлик, замондан орқада қолиш, тараққиётни тушунмаслик ва билимсизлик каби иллатларнинг бўйинтурук қилади.

Миллат характери тарбия асосида шаклланади. Оилалардаги тарбия эса миллий тарбиянинг негизи. Хар бир оилادا тарбия асосида миллат маънавияти, фазилати ривож топади. Авлоний шу ҳақда сўз кетганда одамлар ахлоқиди учраётган иллатлардан арз қилади. Айниқса, ота-оналарнинг тарбия масаласида ўта лоқайд ва бефарқ эканликларини ёзади:

"Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар," — дейди маърифатпарвар олим. Оталар ҳақда: "Оталаримиз болаларига ўқутмак ва таълим бермак ўрнига "Ўғлум эмди қаттақон йингит бўлдинг, шунча ўқуганинг етар, пул

топ!" — деб "ташишка" — ҳаммодлик қилдиришни яхши кўрурлар," деб нолийдди. Бу билан улар молпарастлик, жанжалкашлик, ўжарлик, қолоқлик, маънавий тубанлик, бола тарбиясига бефарқликдан ҳалос бўлиб, фазилатларни эгалламаса, миллат келажиги хавф остида қолаверишини очиб беришга уринади.

Афсуски, ота-оналар масаласида бугун ҳам айрим салбий фикрлар билдирилмоқда. Ва яна, афсуски, ҳозир ҳам Авлоний давридаги каби тарбияга нисбатан беғам айрим оталар ва онажонлар топилади. Шунинг учун биз тарбияни, аввало, оиладан бошлаш лозим, деган тамойилга яна кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Сабаб — илм ва ҳунардан маҳрумликда

Абдулла Авлоний ўзи яшаган даврнинг айрим ҳунармандлари ҳақида шундай ёзади: "Қосибларимиз бир-биридан молларини арзон сотаман деб, тезгина йиртилдургон, тиқиллар ундан уруб, мундан чикгон, сувни етти чакирим ердан қақирадургон маҳси ва этиқлар тиқуб, сотишни яхши кўрурлар.

Заргарларимиз йиғирма тийинлик қумуш, ўн тийинлик тилло орасига мум ва сақичлар жойлаб, исмини қиз ҳайрон, зебингардон қўюб, беш-ўн сўмга сотишни яхши кўрурлар. Табибларимиз долчин, занжабил, хуббул малик, филфил каби бир неча атторни қутисида йўқ нарсалардан мураккаб дору ва маъқулар ясаб, бечора нодон халқнинг пулини олишни яхши кўрурлар.

Муҳаррирларимиз кўб-кўб очка олиб, оз-оз ёшишни яхши кўрурлар." Буларнинг сабаби шу касб-ҳунардами? Йўқ. Уларни эгаллаган илақишиб қолган ноинсофлик, алдамчилик, қаллоблик, кўзбўямачилик, сохтакорлик, гирромлик, ишқамаслик, дангасалик ва виждонсизликда. Ёмон тарбия натижаси бўлган мана шу иллатлар сабаб халққа ҳалол хизмат қилиш ўрнига одамларни алдаб, чув тушуриб, нопок ризқ топнишган.

Авлоний 2-саҳифада.

Munosabat

Тилимиз бир, мақсадимиз ягона!

XX аср илм-фандаги мисли кўрилмаган кашфиётлари билан бирга, сиёсий нотинчлик, урушлар ва миллионлаб инсонларнинг фожиаги тақдирини билан тарих саҳифаларига қирди. XXI асрда эса мафқуравий курашлар ўқотар қуроқлардан ҳам хавфлироқ, аянчлироқ оқибатларни келтириб чиқармоқда. Афсуски, ўтмишдаги хатолардан тўғри хулоса чиқариб, "тинчлик" деган улғу неъматнинг қадрига етган, ривожланиш йўлида эзгу мафқурага эга, минг йиллик анъаналари, умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида ёндашиб, ёш авлодига



замонавий тарбия бераётган халқлар унчалик кўп эмас.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлашда бир тилда сўзлашувчи қардош халқларнинг дўстлиги муҳим саналади. Ўзбекистон ана шундай давлатлар қаторида экани ва бу жаҳон сиёсий майдонида эътироф

этилатгани қувонарли ҳолидир.

Зеро, башарият тинчликни севади; тинчлик ва оқсоғиллик бор жойда тараққиёт бўлади; яқин қўшничилик алоқалари ривожланади. Айниқса, қардош туркий халқларнинг яшаш тарзи, менталитети бир-бирига уйғун, мақсади ягона — тинчлик ва фаровонлик!

Бу эзгу мақсад йўлида ёшларнинг ўрни янада муҳимдир. Ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталари қадрланган, эъзоз топаётган юртда ашайдиган миллионлаб ўғил-қизлар фақат ўз юртининг эмас, инсониятнинг ҳам келажигидир. Қардошлик ва тинчлик руҳида тарбияланган ёшлар эртага шу самимий муносабатларнинг узвий давом этишида ҳал қилувчи кучга айланади.

Авлоний 2-саҳифада.

Халқ шоирининг мактаби

Юртимизда буюқ ватандошларимизнинг номини абадийлаштириш, илмий-ижодий меросини ўрганиш учун қилнаётган сатъ-ҳаракатлар таҳсинга лойик. Ана шундай сиймордан бири Фаргона вилоятининг Олтириқ туманида туғилган Эркин Воҳидов(28.12.1936 — 30.05.2016)дир. Миллатпарвар шoir умр бўйи ўзбек элининг ташвиши билан яшади, халқнинг дардини мардона қўйлади.

Шоирнинг ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, номини абадийлаштириш, ёшлар ўртасида адабий мухитни янада кенг ривожлантириш мақсадида 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 26 июлда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов номини абадийлаштириш мақсадида Фарғонада шоирнинг хайкали ўрнатилди. Марғилонда 16 гектар майдонни эгаллаган "Ижодкорлар боғи" очилди. У шоир номидаги ёш ижодкорлар мактаби, адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган мемориал музей

ва Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимини ўз ичига олади. Эркин Воҳидов мемориал музейи замонавий архитектура талабларига жавоб бериш билан бирга, жиҳозланиш жиҳатидан ҳам эътиборни тортиди. Музей икки қаватли бўлиб, биринчи қаватдан шоирнинг ҳаёт йўли, ижод фаолияти акс этган экспонатлар жой олган. Йиғирма бир бўлимдан иборат экспонатлар жамланмас адиб ҳақидаги барча маълумотларни кўз ўнгимизда гавдалантиради. Биринчи қаватда кутубхона ҳам бўлиб, у энг сара бадиий адабиётлар билан тўлдирилган. Музейга келган меҳмонлар мутолаа қилиши учун барча қўлайликлар яратилган. Иккинчи қаватда Фарғона водийсидан еттишиб чиққан барча санъаткор ва ижодкор устозларнинг шахсий буюмлари, эришган ютуқлари билан бойитилган жавонлар мавжуд. Уларнинг барчаси Эркин Воҳидов ижодига боғлиқ тарзда жойлаштирилган.

— Қалбага кўмилган шоирлар ҳақида сўз борар экан, беихтиёр Эркин Воҳидов ёдимга тушади, — дейди шоир ижод мактаби директорининг

маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Муҳаммадани Нурматов. — Унинг ижоди жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Эркин Воҳидов ижод мактаби ҳамда шоирнинг хотиралари акс этган мемориал музейининг ташкил этилиши барчамиз учун қувонарли ҳодиса, қолверса, катта тухфа бўлди.

Олтириқ туманида адибнинг уй музейи мавжуд бўлиб, шоир туғилган хонадон, болаликнинг энг беғубор дамлари ўтган даврни ёдга солувчи экспонатлар билан тўлдирилган. Ойнавилд витриналар ичига турли йиллардаги фотосуратлар, мойбўёқ асарлар, ижодкорнинг шахсий буюмлари, китоб, газета ва журналлар жойланган. Аудио ва видео лавҳаларини ҳам томоша қилиш мумкин.

Уй музейи аудиотаржимон қурилмаси билан жиҳозланган. Қурилма ёрдамида чет эллик меҳмонлар экспонатлар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни еттига — инглиз, рус, немис, француз, корейс, турк ҳамда ўзбек тилларида тинглайди.

Алишер БОЙМУРОДОВ,
шоир

Sport Life



“Samarkand Half Marathon” хайрия марафони бўлиб ўтади

Жорий йилнинг 1-3 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида югуриш бўйича хайрия ярим марафони ташкил этилади.

Маданият вазирлиги ташкил этаётган лойиҳа маданият ва санъат объектларининг очиклиги ва инклюзивлиги (жисмоний имконияти чекланган шахслар учун керакли шароитларнинг мавжудлиги)га жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини омаллаштириш ҳамда Ўзбекистонда спорт туризмни ривожлантиришга қаратилган.

Марафондан Тошкан пул маблаглари — Тушкент театридан бирида кўриш қўбилиши заиф ва кўзи ожиз инсонлар учун кулай муҳит яратиш бўйича экспериментал лойиҳани амалга оширишга йўналтирилади. Мазкур дастур тифло комментлаш (кўзи ожизлар учун маълумотни қабул қилиш имконини берувчи усул) ёрдамида ўйин театри сахнасида намойиш қилишни ўз ичига олади. Зарур ускуналар харид қилиниб, мутахассислар ўқитилади.

Тадбирга тайёрларлик жараёнида маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси инклюзивлик муаммосига бағишланган тадқиқот ўтказди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва камҳаракат аҳоли учун пойтахтимидаги театрлар, музейлар, боғлар, шунингдек, бошқа маданият муассасалари бўйича дастлабки мониторинг ишлари ўтказилди.

Мухбиримиз

Тилимиз бир, мақсадимиз ягона!

Бошланғич 1-саҳифа.

Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда ўзаро билим ва таъриба алмашаётган, нафақат инсоният, балки бутун кўррайи заминнинг эртанги тақдирини ўйлаб қайгураётган, замонавий муаммоларга янгича нигоҳ билан қараётган ёшлар юрт таянчи бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Сўнгги йилларда Ватанимиз дунёга янгича қиёфада намоён бўлмоқда. Айниқса, қардош республикалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз янги босқичга кўтарилди.

Тарихдан тили, дини бир бу халқларнинг дили ва нияти ҳам муштаракдир. Бугунги ижтимоий-сиёсий бўҳронлар авж олган, таҳликали даврда бир-бирига елкадош бу давлатларнинг бирдамлиги минтақада ўзига хос тараққиёт ўчоғининг яна раванк топишига умид уйғотади.

Шахсан ўзим кўплаб халқаро олимпиадаларда катнашиш жараёнида гувоҳ бўлдимки, биз учун энг қадридон ва тез дўстлашиш кетидан катнашчилар айнан туркий тилли давлатлардан келган ёшлар бўлди. Тарихдан маълумки, илм-фан, адабиёт, маданият соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритган буюк алломаларимиз доимо ҳамфикр, ҳамкор, керак бўлса, устоз-шоғирд бўлган.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз томонидан имзоланган “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун жуда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу қарор халқаро майдонда илқ кутиб олинди, кўплаб сиебачилар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг саяё-харакатлари билан барча давлатлар қатори, кенгашга аъзо давлатлар билан савдо ва сиесий алоқаларимиз ривожланди. Уларда бизга нисбатан эътибор ва ишонч янада ортди. Масалан, бу давлатлар вакиллари 2015 йили Тайланддаги халқаро олимпиадада бизга “Ўзбеклар” деб мурожаат қилган бўлса, 2017 йилдан сўнг “қардошларимиз”, дея хитоб қилмоқда. Яъни давлатларимиз ўртасидаги яқинлик фуқароларнинг самимий муносабатларига ҳам таъсир қилмоқда.

Ташкилот фаолиятига назар

ташлайдиган бўлсак, “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши”га 2009 йили Озарбайжон Республикасининг Нахичеван шаҳрида асос солинган бўлиб, унинг таркибига Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари киритилган эди. Венгрия ташкилотда қузатувчи мамлакат саналади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 сентябрда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Кенгашнинг олтинчи саммитида илк марта таба фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Президентимиз саммитдаги нутқида бежиз “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши кўп томонлама муносабатларимизни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди”, деб таъкидлади. Анжуманда давлатимиз раҳбари “очик осмон остидаги музей” деб таърифланган Хива шаҳрини 2020 йилда туркий дунёнинг маданий пойтахтига айлантириш таклифини илгари сургани Кенгашнинг келгусидаги фаолиятида Ўзбекистоннинг таъсири, салоҳияти жуда муҳим эканидан дарак берди. Бу таклифда рамзий маъно мужассам. Чунки туркий тилли давлатларнинг қадим илдизлари қўхна Хоразм заминига бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур Кенгашга қўшилиши ҳақидаги тарихий қарорнинг қабул қилиниши Нахичеван битимининг 10 йиллик санаига тўғри келди. Бу ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Қадимги “Буюк Ипак йўли”нинг чоррахасида — минтақада геосиесий жиҳатдан кулай жойлашган, хар жиҳатдан улкан салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг иштироки кенгаш фаолиятини янада кучайтиради, халқаро майдондаги нуфузини оширади. Шу билан бирга, таҳлилчилар минтақада иқтисодий ҳамкорлик алоқалари, саяёхлик тизими янада ривожланиши башорат қилмоқда.

Сардор БОЗОРБОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Фан олимлари бўйича иқтисодий ўқувлар билан ишлаш департаменти мутахассиси, “Мард ўғлон” Давлат мукофоти соҳиби

Mustaqillik islohotlari

Мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш орқали замонавий ва малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



SMART университет

Президентимиз жорий йил 24 май куни олий таълим муассасалари ректорлари ва республика илмий жамоатчилиги билан ўтказган йўғлишида ҳам тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, таълим жараёнига ахборот технологияларини кенг жорий этиш каби долзарб вазифаларни қўйган эди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида бўлиб ўтган йўғлишида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг ижроси, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда уларнинг самаралари муҳокама этилди.

2018 йилда Низомий номидаги ДПУда “SMART университет” элементларини жорий этишга қаратилган лойиҳа иш бошланган эди. Унинг доирасида университетнинг таълим, илмий ва маъмурий фаолиятини бошқаришни автоматлаштиришга қаратилган 15 компонентдан иборат “E-univesitet” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида E-минбар таърибаси ўрганилиб, Smart-аудитория фаолияти йўлга қўйилди. Smart-аудитория ўзида FingerPrint, Smart-минбар, мультимедиа проектори каби замонавий ахборот технологияларини жамлаган тизим бўлиб, таълимнинг барча жараёнларини онлайн бошқариш имконини беради.

FingerPrint технологияси талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг бар-

моқ илларини сканерлаш асосида давоматни аниқлайди ҳамда марказий серверда қайд этиб боради. Технология йўқлама (давоматни аниқлаш) учун сарфланган вақтни тежаш билан бирга факультет ва кафедралардаги масъул ходимларнинг иш самарадорлиги ва шаффофлигини оширади.

— “E-univesitet” ва “E-минбар” тизими орқали нафақат ўқитувчи ва талабалар давомати, балки ўқитувчи маърузасининг сифати ҳам назорат қилинади. — дейди Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов. — Машгулотларни ота-оналар, олий таълим муассасалари раҳбарияти, жамоатчилик масофадан туриб онлайн қузатиши учун имконият яратилган. Айрим сабабларга қўра, дейлик бетоблиги учун дарсда қатнашолмаётган талаба ўзида туриб маърузаларни онлайн тингласа бўлади. Тизимнинг афзалликларидан яна бири, бошқа олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари машгулотга тайёрларлик кўраётганда шу сервер орқали республикадаги энг машхур, етакчи профессор ўқитувчиларнинг маърузалари билан танишиши, дарсга пухтароқ

тайёрларлик кўриши мумкин.

Бугунги кунда ДПУнинг “Иновацион педагогика” қўша факультетида маъруза дарсларига Беларусь давлат педагогика университетининг етуқ профессор-ўқитувчилари жалб қилинган. Улар conf.uzcloud.uz махсус платформаси ёрдамида онлайн машгулотларни олиб бормоқда. Бу платформа видео, овоз ҳамда ўқитувчининг компьютеридан тақдимоти бир вақтда трансляция қилиш, маърузани ёзиб олиш имконини беради.

Йўғлишида университетнинг “SMART- аудитория”си тақдироти ўтказилиб, унинг мисолида олий таълим муассасаларининг ахборот технологияларини инфратузилмасини тизимли такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишни автоматлаштириш, бу борада хорижий давлатлар таъриблари танқидий таҳлил қилиш ва таълим жараёнига таъбиқ этиш масаласи муҳокама қилинди. ДПУнинг ахборот технологияларини такомиллаштириш соҳасидаги таърибасини бошқа олий ўқуртюрлари ҳам жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Рисолат МАДИЕВА

Jarayon

Миллий ва замонавий

Пойтахтимизда Республика “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Маънавият фестивали” ўтказилди.

Фестиваль доирасида “Қадимги ва бугунги Тошкент уйғунлиги” мавзусида “Маърифат тур”, “Миллийликка йўғрилган санъат” каби лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, “Зиё улашиб” шiori остида китобхонлик акциялари ташкил қилиниб, 11 та умумтаълим мактаби кутубхонасига 3 мингдан ортик китоб топширилди.

“Миллийликка йўғрилган санъат” лойиҳаси асосида Сайилгоҳ кўчасида ўтказилган тадбирда



миллий ракс ва қўй-қўшиқлар, хунарамандлар қўл меҳнати ҳамда миллий либослар намойиш этилди.

М.ИСМОИЛОВА


Xalqaro hamkorlik

Дўстлик ришталари мустаҳкам

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Қозоғистон Республикасининг Маданият ва спорт вазирлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани, қўхна ва бой тарихга эга халқларимизнинг маънавий-маърифий соҳадаги яқинлигини ҳамда бокий илмий-маданий меросимизни чуқур ўрганишга ёшларнинг қизиқиши ортаётгани таъкидланди.

Мухбиримиз



ятли ўйин кўрсатган ва мураббийлик фаолиятини бошлаган Темур Канадзе ёрдам беради. Футболчиларнинг жисмоний тайёрларлиги Мирзо Йелчиж жавобгар бўлса, дарвозабонларни Денис Иванков шугуллантиради.

Жамшид МУСУРМОҢОВ

“Ким нимани яхши кўрур?”

Бошланғич 1-саҳифа.

Ишратбозлик, бачканалик, бузуқчилик, маданиятсизлик, ахмоқлик, ўйинбозлик (лудомания), Авлонийнинг ёзишча, булар унга замондош айрим машшоқ, хофиз ҳамда шоирларнинг ахлоқидаги нуқсонлар эди. Улар аслида халқнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш учун масъуллар. Бирок “Шоирларимиз миллий шёр ва адабиёт ёзишни ўрнига мувашшахми ёки “қошиндан, кўзиндан”, — деб, жанонларни мактаб фасод ахлоқига сабаб бўладургон шёрлар ёзишни яхши кўрурлар”. Демак, биз “оммавий маданият” деб атаётган иллат ўша даврларда ҳам бўлган кўринади. Бунинг тасдиғини “Шум бола” бадий фильмидаги “Ойнаи жаҳон”да ҳам кўраимиз.

Маърифатпарвар олим ўзига замондош, ватандош ишчиларни илм ва хунардан махрумлигини танқид қилади. Бошқа миллатлар ишчилари (илму маърифатлари орқали) кунига 4-5 сўм ишлаб топапти-ю, нега ўзбек ишчилари кунига уч тангага мардикорликни, бир ойга ўн беш сўмга корокуллик қилишни, йигирма сўмга фанар ёқишни, ўн сўмга қўнка йўлини тозалашни ва шуларга ўхшаш энг паст ва огир хизматларни яхши кўришларидан ўртанади. Буни ўз келажига хафсаласизлик, масъулиятсизлик, беғамлик деб баҳолайди. Сабаб — илм ва хунардан махрумликда, дейди муаллиф. Демак, бунинг маънавий сабаблари илм ва хунарга ўргатмаган ота-оналарнинг зиммасида.

“... хозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман”

Авлоний мақола орқали ёшларни фазилатли, илм-хунардил қилиб тарбияласа, жамият тараққиёт сари илдам қадамлар босиши муқаррар демокчи бўлади. Маънавий мустамлақчилик азобини бошдан кечираётган жамият азозларини уйғотиш-

га ҳаракат қилади, одамларни миллат тақдирига дахлдорликка ундайди. Бирок атрофидагиларнинг бу чорловга бефарқлиги, лоқайдлиги маърифатпарвар олимга азоб беради. Шу боис у мақолаи галати яқунлайди: “Аммо мен бўлсам, хозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман”. Бунинг эса маъноси кўп. Бу билан Авлоний атайлаб, “Мен лоқайдман” деб, беътибор қараб турувчиларни танқид қилмоқда. Аслида бу мақола миллий озодлиқни, маънавиятнинг бугунги каби юксалишини орзу қилган миллат тақдирига юксак дахлдорлиқни хис этганининг намунаси эди.

Бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ

Хулоса шуки, жамиятда маънавият ва маърифат ожиз қолса, юксалиш ва тараққиёт ҳам ортга қараб кетади. Аксинча, улар юксалсагина моддий ҳаёт яхшиланади, шундангина иқтисодийет ҳам юксалади.

Бугун ана шундай. Мамлакатни тараққий эттириш учун фақат моддий эмас, маънавий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлигини замон талаб қилапти. Бу эса ёшларни юксак ахлоқий тарбиялашдаги ижтимоий-фалсафий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўллариини топиш, глобаллашув давридаги мафқуравий ва ахборот таҳдидларининг олдини олишдек улкан вазифаларни ҳал этишни такозо қилаётгани давлатимиз раҳбари томонидан тақдор-тақдор таъкидланмоқда.

Шундай экан, “хозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман” десаьдан, бугун хар бир ёшни у қарам бўлиши мумкин бўлган иллатлардан асраб, миллий маънавият билан суғурилган фазилатлар билан тарбиялаш хар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Чунки юз йил аввал қанотлар буюқган миллат бугун қудратли янги қанотлар билан юксалишга парвоз қилмоқда.

Бундай жараёнда ислохотлар самараси шахс маънавиятига бориб тақалар экан, устозимиз, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биланчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қурунов таъкидлаганидек, миллий характеринизга ҳам инновациялар киритишимиз такозо этилмоқда. Илмий педагогик-психологик тадқиқотлар ўтказиб, хозир қайси фазилатларимиз кучли-ю, қайсилари кучсиз? Қандай иллатлардан қутилишимиз керак?, Қайси фазилатларни кучайтиришимиз керак?, деган саволларга ҳолис, илмий жавоблар керак. Ўтмишдаги боболаримизнинг юксак маънавиятига махлий бўлиб, у билан мактабим, ўзимизнинг бугунги маънавиятимизга бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Шундай экан, таклифимиз шуки, келгуси ўқув йилидан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида магистратура босқичида миллий ғоя мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш максалда мувофиқ бўлар эди. Худди шунинг давоми сифатида “Миллий ғоя назарияси ва амалиёти”, “Ғоялар тарихи ва методологияси”, “Миллий ғоя тарғиботи технологиялари” ихтисосликлари бўйича докторантурани ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмайд.

Ватан биздан жон, соғлик, маблаг сўраётгани йўқ

Фалсафа фанлари доктори, профессор Исмоил Саифназаров билан миллий ғоя хусусида суҳбатлашиб қолдим. Устоз ҳам миллий ғоя масаласи ҳақида шундай фикр билдириди: — Миллий ғоямизни конкретлаштиришимиз, ҳаётта ҳамоҳанг равишда ишлаб чиқишимиз зарур. Масалан, “Менинг оилам — менинг бахтим”, “Менинг маҳаллам — менинг фахрим”, “Устозим — ҳаётим чироғи” ва ҳоказо. Бунда таълим муассасаларидаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари ўқувчи ва талабалар

билан намунали оилалар, маҳалалар, мактабларга бориб, шу каби мавзуларда чиройли тақдиротлар қилиш лозим. Ёшларни назария билан амалиёт бирлигига ўргатишимиз зарур. Шунанга аниқ лойиҳалар билан ишласак, ижтимоий-гуманитар фанларимизнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам миллий юксалишига қўшган ҳиссаси янада кўпайган бўлар эди.

Шу суҳбатдан кейин “Халқ сўзи” газетасида қатта мақола эълон қилинди. Номи “Миллий ғоя саодатга элтиди”. Муаллифи — Муҳаммаджон Қурунов. Бу гал қамини фикрларимни устозинг ана шу мақоласидан олдиндан қўйидаги сўзлар билан яқунламоқчиман:

“Миллий ғоя — халқ орзуси, киятининг ифодаси. У қотиб қанган орзу, ният эмас. У миллий ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиқиб янгилик билан турлади. 22 декабрь миллий ғоямиз ривожида ана шундай, тарихий янгиликни кўни бўлди. Президентимиз “Миллий ғоя нима учун керак?”, деган саволни ўртага ташлади. Жавобини ҳам бир ўзақ жумлага жо қилиб айтиди: “Ватанини севиб учун”. Бу қисқа жумлада Ватан қадар кенг, қатта маъно мужассам.

..Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ватани тиклаш, ривожлантириш учун жонини, молини, соғлигини, оч, азобни меҳнатни берган япон, корейс, немис халқларининг бугунги ривожига ҳавас қилишди. Улар келажакка ишонч билан, ўз миллий ғояларини маҳкам тутиб, садолқали меҳнат орқасидан бугунги фаровонликка эришганини яхши биламиз.

Бугун Ватан биздан жон, соғлик, маблаг сўраётгани йўқ. Ўзимиз маош олиб қилаётган вазифаларимизни ҳалол-поқ, сифатли, натижалли бажаришни сўрапти. Агар шунга ҳам ярамасак, биз қандай фарзанд бўлдик Ватанга?!”

Оттабек БОЗОРОВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи

Achchiqtoosh

Дўстим билан ишдан қайтар эдик. Ботаётган кўёш шаҳар оқшомига галати қайфият бахш этган. Теварак тўла одам, лекин ҳеч кимнинг биров билан иши йўқ, ўз дардича ўтиб-қайтали.

- ...Шуларни ёмон кўраман! — деди дўстим иттифоко.
- Кимни? — деб хайрон аламангиз. Атрофда: кўлида бежирим, алвон гулдастачалар тутганча, ўтган-кетганга ўз тилида "Гуллардан олинг, гулла-ар!", деб турган муштдайгина хокисор кампир; чиройли кийинган оқ-сарик болакай бўйишга тираган скрипкасини сайратаётган — унинг "кашкул" ига биров-ярим чака пул ташлайди, бошқаси шунчаки тинглаб, раҳмат, деб кетали, у пул берувчига табасум-ла таъзим қилгач, ана камончасини тортади; велосипедда кийкериб елаётган мовийкўз кизлар...
- Нимага? — хайратим ошди.
- Бизни бошишган, қўл қилишган... Шунга!
- Э-э-э... Қачонги гап бу, дўст, буларда нима айб? — муроёга ундадим ўзимча.
- Барибир. Ўша қон, ўша уруғ...



ЕРНИ "ЕРЛИК" лар ЕР



Жим кетдик уёғига. Аммо ўйларим ғимирлаб қолди. Улардан сизиб чиққан саволлар "чак-чак" томари шууримга. Ўтмиш, жавоблар, хулосалар озиқ занжирдек тизиларди. Алҳосил шу бўлдики...

Бир Помпейга — бир Везувей!

Хўш, "шулар" бизни босмасдан, қўл қилмасдан аввал... озодми-дик ўзи? Аҳволимиз қандай эди? Бундай эди: Кўкон Нодирасиннинг, Тошкент Жулқунбойининг, Самарқанд Бехбудийсининг, Бухоро Аҳмад Доһинининг, Хоразм Исомхўжазининг... бошига етган, етаётган ва етиш тарафда эди. Аммиру хонлар ўзаро қирпичоғиди. Бир-бирини босиб, осиб, чопиб, сўйиб, терисини шилиш... учун муттасил пайт пойлаб, шайтонни-да шайтонла-тадиган фириблар ўйлар, уюштирарди. Арқону давлат арқону дордан, пешови динлар мутаассиблиги таъмадан, раият эса расвою радди қилмишлардан ортмасди. Қисқаси, Туронзаминда турли фитнес-фасод, фахш, жаҳолат жавлон урарди. Мана шундай вазиятда...

Яна ўзимизмасми, нажот истаб, "шулар"ни чорлаган, амирни қувдирган, кейин... кўраримизни кўрган? "Оқпошшо" бизга кутку солиб келаётган бир пайтда Кўконга бостириб борган амирлар, Тошкент қамалда маҳали Кайковус аригини Чирчик дарёсига буришни кенгаш берган, оқибат 42 кунда аҳли Шошнинг тинқаси қуриб, мудофаани йўқотишларига сабаби бўлган тожирлар, қипчоқлар қирғинидан кўз очолмай қолган Хўқанди Латиф дарвозаларини жангсиз-несиз ланг очганлар... ўзимиздан чиқмаганмиди? Ҳар гал, навбатдаги музофотимизни мавх этишаркан, мададга етиб келиш ўрнига, мақтуб битиб, "оқпошшо"ни алкаган, кизгин қутлаган қимлар эди?

Ичқарирок кирсақ. Машрабни ломакон сари лопиллаган ким? У Жайхуннинг сўл соҳилида соқолу саллалари бир-бировиникидан кўрлик "мусулмон"лар қуршовида қатл этилмаганими?

Боз ичкарилаймиз. Ҳазрат Навоий довоти қалам қошида эмас, Бойқаро ва унинг ўн икки тахтгалаб ўгли ўртасида тудтай тўқилмади? Мирзо Бобурни Андижону Самарқандга сиздирмаган амакию тоғалари, ишонган беклари ҳамда... мазабпарастлик эмасми, асли? Ниҳоят, Кобулда қўним топган бобокалонимизни "Ҳинд сори" юзлантирган омил — ўша давр Ҳиндистондаги сийсий тавазулу, ижтимоий тарқоқлик бўлмади-ми? Иброҳим Лодининг улкан қўшинини Бобуршоҳдан олдинроқ бошбошқоқлик тор-мор этмаган-микан?..

Беруний замонасидан зикр этсақ. 995 йили Кат шаҳри Гурганж ҳукмдори Мамун I нинг аскарлари томонидан эгалланади. Африйгилар сулоласи

ағдарилиб, шаҳар вайрон қилинади... Биламизки, Кат (ҳозирги Беруний шаҳри) ҳам, Гурганж (Кўхна Урганч) ҳам — битта минтақанинг кўхна кентлари. Шунга қарамай...

Бунданам ярим асрча муқаллам. Форобий ёзади: "Баъзи одамлар айтадиларки, турли қабилалар, шаҳарлар, иттифоқлар ёки халқларнинг бир-биридан фарқи бир одамнинг бошка одамдан фарқига ўхшайди... Ана шу гуруҳлар ўз хавфсизлигини кўриклаш, шон-шавқати, фаровонлиги, роҳат-фароғати учун... ўзаро қурашадилар ва рақобатлашадилар. Ҳар бир гуруҳ шу нарсаларни бошқалар тортиб олмасин, булар фақат бизда бўлсин деб ҳаракат қилади. (Низо, уруш натижасида) шу нарсаларни кўлга киритсалар, ўзларини голий ва бахтли ҳисоблайдилар... Мағлуб гуруҳ аъзолари агар ўлмай қолсалар ҳам гоийб гуруҳга қўл бўлиб, хизмат қила бошлайдилар... Голий гуруҳлар буни адолатли ва табиий ҳол деб ўйлайдилар." ("Фозил одамлар шаҳри" — Т.: "Янги аср авлоди", 2016 й. 266-267 б.).

Ундан-да илгарироқ — исломдан бурун-чи? Икки олам сарвари балқиб чиққуси маъводаги қавмларнинг ўзи... ўрناق бўлулганими?

Раҳматли Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ҳазратлари бир мақолада келтирадими, жоҳилият даврида бир кампирнинг ўзидан-да қарирок, қасалманд, ҳатто ўрнидан туролмай қолган сизирини бошка қабиладан келган уч-тўрттаси, мастликда ўлдириб қўяди. Ва бу, қабилаларо... 40 йиллик қирғинга бахона бўлади.

Эрамизда бўлганимиз шу экан, хўп, эрамизгача-чи? Манбаларга юзланаман. Олис битиклардан холис манзараларини жоҳилантиришга уринаман. Эрамиздан бурунги IV аср: қумтепа устида чайир жуссали Спантамано (Спитамен) ўтирибди. Қай йўл билан эса-да, "Тангри Аммон ўғли" (Македонский)ни даф қилиш режаларини тузатиш. Айни лажаларда, уёқда — эндиликда Зулқарнайн қароргоҳига айланган Сугдиёна саройида: собик иттифоқдошларидан бири, Мақдунли фотиҳ узатган майдан мияси кизганча, ул Сивёш авлодини чув тушириш хусусида пенаонаси тиришган. Бошқаси эса Искандарга кейинги юришларидан озиқ-овқат ва шу хил муҳим таъминот бобида қўмақлашажатини билдирапти...

Ўша замон солномачиларидан бўлмиш Фукидид (мил. авв. 460-395 й.) ёзади: "...Агар улар ўзаро иноқ бўлганлариди, фақат Европадаги эмас, Осиёдаги халқлардан бирортаси ҳам скифлар билан тенглаша олмас, бирорта халқ ўз-ўзича уларга қарши туришга бардош бера олмас эди".

Бектиёр эрамиз ибтидоида маданият, санъат, меъморчилик, хунармандлик... да Оврўпонинг олди шаҳарларидан ҳисобланган, аммо бориб-бориб "айниган", оқибатда Везувий вулкони остида тириклай қўмилган Помпей жоқеасини ўйлайсан киши. Ҳаддан ошганларга Ҳақ бир офатини йўллаши

тайин экан-да. Лекин у қандай кўринишда келади? Буниси, энди, идрокимизга тан.

Бугунимиз: туманли талқинлар, доvon ортидаги баҳс, "пиво исёни"...

"Ватан"ни қатта харфларда ёзишни қойиллаганимиз, майда талқин қиламиз. Битта мисол. Газетада ишлаб юрган кезларим. Сибҳидан коллеж ўқувчисилиги кўриниб турган, пўрим бир йигитча кириб келди хонамизга. Қўллариди даста қоғоз. "Шеър ҳам чикарасизларми, ижодимдан опкелувдим" деди. "Қани, ўқийликчи", дея қўл чўзим. Кўзим тушган биринчи сарлавахданоқ тилим тутилди —

ТўРТ ЙИЛ ТОЖИК ЙИГИТ ХАМХОНАМ БЎЛДИ (уларнинг миллатига ШАРТЛИ РАВИШДА УРГУ БЕРЯЙМАН, зотан менга бунинг аҳамияти йўқ!). АЗБАРОЙИ ХУДО, НА ХАТАРНИ ХИС ҚИЛДИМ, НА ОЙБОЛТАГА ЭХТИЁЖ СЕЗДИМ. Қайтанга, онамданй ғамхўрлик кўрсатди ўша кампир. Укам йўғиди, энди бор. БИР ЖИГАР БЎЛСА, ЎША ХАМХОНАМЧАЛИК БЎЛАР...

"Менинг, она ўрта Чирчигим!". Ичимда ўқийшга тутиндим. "Тополмай-сиз унга ўхшашин...", деб бошланувчи "шеър"нинг ҳар қуплети "...Менинг, она ўрта Чирчигим! Хур, ягона ўрта Чирчигим!" алфозли "радиф"да якунлариди. Пастлайвердим: "...ўрта Чирчик туманида ҳамма бахтли, шох... Эй, тумандошим олтин тупроғини ўп... Халқининг кўзиди кўринмайди ғам...". Сўнги қаторларини бус-бутунича ҳавола этаман:

"...Сирдарёнинг "Қизил" чўлидан, Жиззахликнинг "Айдарқўл"идан, Янгийўлнинг янги йўлидан, Менга афзал, ўрта Чирчигим! Битта гўзал, ўрта Чирчигим!"

Турон, Туркистон деса, оғзининг суви қочади... ўзи тутилган тумандагилардан бошқаларни одам ўрнида кўриши — кийин масала. Хонаси келганда, ёридим бировига:

— Ҳафа бўлсангизам бир гап, то шунанга... "туманли" фикрларимиз тарқамаскан, мана шундай, алломаларимизга махлиё бўли-иб юриварамиз.

Курсдош бир ошнамнинг уйда, доvon ортида қўноқда бўлдим уч кунча. У ёқларга биринчи боришимиди. Ана мезобонлик! Одамлариди охори тўқилмаган тангилик, фелъ-атвордан тошиблар кетасан. Иклими энди алоҳида мавзу...

Қайтши олди дўстим кўшин маҳаллани — "Араб маҳалла" аташларини, у ёқдаги "араб"лар билан болаликда қўп ва хўп ёқалашганини, бирисининг бурнига тепиб, қонатиб, букчайтириб қўйганини... эслаб қолди.

Соат қарадим, ҳали вақт бор. "Йўл бошланг унда, шу маҳаллани кўргим келяпти", дедим бетоқат. Мехмон амри

— вожиб. Хушламайроқ кўзгаларкан, "Араб бор жойга қараб бор", дейишди бизда, деб қўйди.

Бора боргунча, ўй устига ўй босди: "Араб бор жойга қараб бор", "Татар бор жойда хатар бор", "Тожиқдан дўстинг бўлса, ёнингда ойболтанг бўлсин"... Яна қанчаси қолди эшитмаганим? Эсимни танибманки, қулгимга қуйишди. Қолбуки, Тошкент келиб, мана, етти йилдики, татар кампирни-кида ижарада турибман. Тўрт йил тожик йигит ҳамхонам бўлди(уларнинг миллатига ШАРТЛИ РАВИШДА УРГУ БЕРЯЙМАН, зотан менга бунинг аҳамияти йўқ!). Азбаройи Худо, на хатарни хис қилдим, на ойболтага эхтиёж сездим. Қайтанга, онамданй ғамхўрлик кўрсатди ўша кампир. Укам йўғиди, энди бор. Бир жигар бўлса, ўша хамхонамчалик бўлар...

— Энди, болаликдаги гаплар-да улар, ошна. Ҳозир, эх-хе, эшик-эл бўп кетганмиз ҳаммалари билан. Ўша болаям э-энг яқин ўртағларимдан бутун... Ашитта қирамиз, қариндошимиз яшайди бетта. Опоки-и... — сабоқдошим товущидан ўзимни ўнглаб-ўнгламай, "Ийе-ийе... Келинлар-келинлар...", деганича, қучоқ очиб, истиқболимизга чиқаётган мўйсафидини кўрдим, ўзимни яндим. Қаҳҳор қахрамонларидан бири — "думли одамлар"ни ахтарган қимсага ўхшатишим ўзимни...

Болаликдан сўз очилганакан, тан олайлик, ҳар биримизда ошнамнинг "қахрамонлиги" кечмаганим? Фарқ бўлса, миллат ё мазабда бўлгандир. Кўз юмиб, ботинан қайтаман орта: ана, ҳамсоя хотин муштдай боласини арилатиб судрапти: "...эрони кишлоқка

ахкому арбобларимиз нима дейди? Улармасми, ахир, жамиятимизни яхлит сақлаб, тинчлиги тараққиётга дастуриламал ясаётганлар?

...Балога қолган — сурнайчи

Конституциямизни варақлайман. Деярли ҳар молда моҳиятида биргина уқтирик уфурати: ватанимиз — Ўзбекистон ва унда барча тенг-тову яшаш керак!

Бу таъкид бобдан бобга такомиллаша боради. Қайсини айтмай моддаларнинг: 8, 14, 17, 18, 21, 23, 28, 31, 38, 46, 48, 57, 65, 68...

Қуруқ санокча берилмай, бирортасини айнан олсақ:

"Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат" (68 молда).

Бир қарашда "жўнгина" жумлалар, аммо айрим идораларимиз пештоқига ўйиб ёзгулик. Масалан:

Ички ишлар вазирилик унга тегишли бўлган барча биноларга (улар наздида, Ўзбекистон фуқароси 2 та тоифага бўлинади: "тошкентлик", "вилоятлик");

Халқ таълими вазирилик (мактаб дарслиқларидаги, айниқса, бошланғич таълим ўқувчиларига мўлжалланган "Ўқиш китоби")даги Ўзбекистон маззуига доир расмлар, шеърлар ўта тор, ҳудудлашган қўламда;

Миллий телерадиокомпания — МТРК (телеканалларимизда узатилаётган Ўзбекистон ҳақидаги клипу роликларни кўринг: кўтаринки куй фониди камера телемонни, "Миллий банк", Мустақиллик майдони, фавворалар, кўприқлар... устида айланаверди-айланаверди. Ошиб борса, Оксарой, Қалтаминор, Ичанқалъа, Регистон мажмуаларига, Амри Темур, Бобур, Бердак, Алпомиш хайкалларига бирров "кўз югуртиради" (уйам, асосан, туризм учун, ватанпарварликмас — "валюталарварлик" мўлдаси!). Эскилар айтмоқчи, Тўйтепадан нарига ўтганга, ўтса-да ичига нимадир инмаган режиссёру клипмейкер тасавурича "Ўзбекистон"... шу-да).

Рўйхатни анча давом эттириш мумкин, бирок... туманинг тузуни билиш учун уни охиригача ейиш шарт эмас.

Бош қомусимизни ёйиб, бошқаларига — қонуи-қарорларга ўтаман. Билгич-бохабарлардан ўсмоқчилайман. Номии улуг нашрларимиздан бирининг муҳаррири, тагдор оҳанда маънилатади:

"Олти юздан ортик қонуи ҳужжатларимиз ичиди айнан шу иллатга қарши қаратилган учрамайди, очғи. Нега? Яшириб нима қилдик, раҳбарларимиз ақсари ундан манфаатдор. Ҳеч қузатганимиз, не-не умидларда янги раҳбар тайинлашди. Ўтиришам гапим, ётиб қолаётган ташкилот (муассаса, жамғарма, бирлашма, иттифоқ...)ни оёқка турғизишга ишонинишди. Кўпинча нима бўлади: қисқа муддатда у жамоани "ўзиниклар"га тўлдирди ё тескариси — жамоа уни "ўзлари томон"га олдиришга тушади. Эпидемия, сиздирмасдан чиқариб юборди..."

Сиртдан баҳоласак, тутатқулик ҳолдай бу. Аслида-чи? Айттайлик, тегишли қонуи лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бир ҳисобдан айни мўлдасдек, бир ҳисобдан... акъятсир бўлмаслигига қим қайил?! Одамзот табиати тақлика мойилроқ. "Қилма!" дегани "Қилсам?" дейди. Марк Аврелий (121-180 й.дан: "Мана биз шунча қонуи қабул қилганимиз, лекин нега отасини ўлдирган болага ҳеч қандай жазо чиқармаганимиз?", дея сўрашса: "Мен бу қонуни қабул қилмаётганим бонси, шу тушунчанинг ўзи одамда бўлмасин", деганакан зақий сибсаётдон.

Баҳор ҳамали, сўз амали билан боқадр. Қонуи, қанчалар долзарб бўлмасин, ижросиз... қоғозлардан бўлак нарсамас. Бу эса кўпроқ, раҳбариятнинг бевоқифа халқ ичиди иш юритиши шарт бўлган бўғинларига — депутатлар, ҳокимлар, маҳалла оқсоқолларига боғлиқ. Башарти, улар суствашилик, маъсулиятсизликка муккасидан кетса, Ҳудонинг ургани шу. Улус дарди улканлашгани сари мансабдор дарди майдалашади. Майдалашганда ҳам мансабини — бўғиндаги бурчини писанда қилиб майдалашади. Энг ёмони, эл-юрт яраларини очик қолдириб, ҳар қайси ҳар томондан қўрпани ўзининг устига тортишга тушади.

Газетчиликда суяғи қотган бир акамиз хикоя қилади:

"Шаҳарчамизда доғдор бир банкнинг филиали очиладиган бўлди. Туман ҳокимлиги бино ажратди. Августининг ўн биригача битиши керак, дейишди. Ўнча уста, қанқиллатиб таъмирни бошладик. Укам икков, харна рўзгорга ямоқ деб, қўшилгандик улгарга.

Ҳамма қандайдир ғайрат билан ишлади. Шунгами, июль тугамай, ишнинг тағи кўринди. Биноям қутқачдай бўлди-қолди: деворлари пуштиранг, эшиклари оппоқ... Шу кунларда шивир-шивир оралиди: вилоятдан вақил келётганмиш, текширармиш. Кеса-кетти-да, дедик, еб қўйган жойимиз борми, эрта-инди битирадиган бўлсақ.

Келди ҳам. Хондан хонага ўтди. Думдай эргапамиз қаёққа қайрилса. Қош-қовоғи уюлгандан уюлаверди. Бўлмади, деди-да охири. "Нимага?", гувилладик баравар. "Банкнинг вилоят марказидаги биносини кўрганимиз-лар, а? Бунга нисбатан қўрғинсиз бўп қопти-ку, — деди ўдағайлаб. — Шу-унчалик ишлов бериш шартинди-а, оҳақ суртиб қўйсанларам бўлувримди, чекка бир туман учун... Та-ақ, бундай, муҳлат бор ҳали, шундайкан, тўғрилайсизлар "хато"ларингни. Деворларни қўққа бўйяйсизлар, эшикларни қизилга... Гап қўшилмасин! Рухсат берган ким — биз, дедик, бизнинг айтганимиздай бўлади. Тамом! Ўзим хабар оламан яна..."

Кетди. Э, бу, пуштирангни кўқартриш ҳам ўлимакан бир. Устма-уст уч марта краскаладик ўзим. Амаллади-воқ, деб турганимизда, туман ҳокими кеп қолди. Эшик-деразаларнинг туркини кўриб, қўячиги кўзиди. "Берса, ўзларини ўйлаб берган руҳини, — деди бўғилиб. — Эртага ёйилиб-попилиб кетса, банкларни, бино ўзимизга қолади-ку, барибир. Қани, аслига, олдинги рангига қайтаринлар, тез! У энагар билан ўзим гаплашаман!"

Бу сафар тўрт марта сурдик бўёқни. Эшикларни кўрсанг энди маю-овдай бўп, шишиб кетди-да. Уларнинг қуришини айт. Олдимизда эса: муҳлатнинг охириги 5 кун ва 46 та хона. Сентябрга кеп, олапек бир нарсани топширдик-да-йей, ишқилиб..."

Бошидан ўтказган одам, кўз олдимда, йиғлағудай бўлиб айтиб бермаганида, ўхшатиб тўқилган ҳажвия, фаҳмлардим бунни. Тавба дейсан, туриб-туриб.

Хотима. Ер кимники?

Биргина йигирманчи юз йилликда эшикдан берган, етмагандай асримизга-да "хатлаган" муҳорабалар номига назар таштайлик. Қайсидир эл ёқуд эътиқода ўқталган бари: "Рус-япон" уруши, "Олий ирк" даъвогарлари ва "қатта оғ"ларимиз қасрига ёғилган жаҳоний қулфат; "Ҳинд-мусулмон" талотўллари, "АҚШ-Вьетнам" жанги, "Турк-арман" низолари, "Исроил-Фаластин" тўқнашувлари, "Шимол-Жануб" (Корея) муаммоси, "Афғон" уруши, ИШИД, "Араб баҳори"... Алҳазар айтасан. Одам Ҳаводан тарқалганларнинг "хунар"ими ҳаммаси? Кўпининг "старт чизини" да ёлғиз савол туради тишларини фикрлабди: "Қаерликсан?". Ер етмайди бизга?..

Икки заминдор парча ер устида пачақлашиб қопти:

- ...Ер меники! Қайга борсанг бор.
- Бекор айтсанг, меники бу ер! Ота-бувадан қолган...
- Ота-буваимми... Уруғингни тайини борми ўзи? Менинг қимлардан-лигимни биласанми?
- Ним-ма?!..

Қарашса, қон тўқилдиган. Доно бир қарияни бошлаб келишибди. У ихраб-сихраб, мук тушибдию ерга қулғини қўйибди.

— Ўрни солиб берарди-ик? — сўз қотибди заминдорлардан бири.

— Жим! Ўзидан сўраяман кимникигини? — хотиржам шивирлабди жавобан қол.

— Йўғей... Менинг исминни айтает-гандир, хойнаҳой? — эрмақлабди иккинчиси.

— Икковиям меники-и, деяпти ер, — қаддини ростлабди қария...

Хулоса ўрнида: "Қонют уйинг остонасидан бошланади, агар остонандаёқ тугаса — ундан ёмони йўқ!" (Индра Ганди).



Salom, qushlar...

Salom, qushlar, salom, qushlar! Bulutlarni quchmoqdasiz. Vatansizga olam qushlar, Aytimg, qayga uchmoqdasiz.

Sizga aytam gar o'zimdian, Men Atoning bolasi. Biling yuzim-u ko'zimdian, Men Havvoning bolasi.

Biz ko'p edik, to'p-to'p edik, Singillarim, opalarim. Haybatlari arslon sherdek, Inilarim, og'alarim.

Bo'lsa ham gar rang-u ro'ylar, Qora, sariq, bug'doyrang, oq. Butun bir yer yuzi bo'ylab, O'ynar edik quvlashmochiq.

Bo'ling menga bir dam hamdam, Tinglang dilda nolam qushlar. Eh, qachondir bizlarga ham, Vatani edi olam qushlar.

Ong o'sdi, lek toraydi dil. Jon talashdik, non talashdik. O'tdi asr necha ming yil, Shon talashdik, nom talashdik.

Izlamadan oramizdan, Suyanchiqlar, g'amxo'rlarni. O'ylab topdik bo'lishib jam, Chegaralar, simto'rlarni.

O'rab oldik, uch-to'rt qavat. Dengizni ham, osmonni ham. Mehr, vafu-yu oqibat, Ko'ngilni ham, vijdonni ham.

Biz Atoning bolalari, Biz Havvoning bolalari, Telbamiz yo devonimiz. Ko'zlarimda jolalarim, Endi yotmiz, begonimiz.

Qorin to'ysa, bo'lmaydi g'am, Menda to'kis har ne, barcha. Tirikchilik yashayapman, Baxtga to'lib xudbinlarcha.

Ammo yurak sanchar, yanchar, Qaqroq dashtning qay betida. Bir och inilib tuproq chaynar, Bu dunyoning bir chetida.

Men yashayman baxtga to'lib, Ey voh, mening qondosh og'am. O'lim bilan qo'shni bo'lib, Yashar qayda jondosh og'am.

Opam qay bir ko'chalarda, Toshlariga bosh qo'yg' uxlar. Qay bir singlim kechalarda, Bu dam xordir piq-piq yig'lar.

Bor vujudim qaqshar, og'rir, Oh, unga dosh berolmayman. Qanday og'a bo'ldim axir, Qanday ini bo'ldim axir, Borolmayman, borolmayman!

Yem bo'lmadim tuzoqlarga, Siz qushlarim tezroq yeting. Uzoqlarga, uzoqlarga, So'zlarimni olib keting.

Qondosh inim-u og'amga, Dildan dalda tilab qo'ying. Jonon singlim, jon opamning, Sochlarini silab qo'ying.


Xayr, mening nolam, qushlar. Jonimdagi tolam qushlar. Mayli, menga bo'lsin qafas, Sizga vatani olam qushlar.

Humoyun QUVONDIQOV

Asliyatdan tarjima

Umar KICHIKMAHMUD o'g'li

Adabiyotshunos olim va taniqli yozuvchi Umar Kichikmahmud o'g'li 1979-yili Turkiyaning Qahramon Marash shahrida dunyoga kelgan. Istanbul universitetida adabiyotdan tahsil olgan. Adabiyot olamiga she'rlari bilan kirib kelgan adib hikoyalari bilan davrni qozondi. U turkiy xalqlar adabiyotining mohir tarjimoni sifatida ham turk kitobxonlari mehriini qozongan. Uning asarlaridan namunalari Turkiya, Rossiya, Ozarbayjon, Qozog'istondagi turli adabiy nashrlarda e'lon qilingan.



Ulg'ayish

Buvim Zeliha Koshkerning aziz xotirasiga...

To'qqiz yoshli, yuzi quyoshda qoraygan, sochlari kalta qilib olingan yigitcha sigirini doim shu yaylovda boqadi. Uning shoxlari yarimoy shakllini, peshanasida oq qashqasi bor qora sigiri biroz sarkash edi. Bu jonivorning dastidan bolaning boshi ko'p balolarga qolgan. Qo'shnilarning bog'iga oralagan uchun ko'p bora otasidan kaltak yegan. Ba'zan kattaroq ishlar bo'lib ketsa, Chambilbelni oshib, amakisiniqiga qochardi. Boshiga ko'p tashvishlar keltirgan bo'lsa ham, u sigirini yoqtirar, unga "Qoraqiz" deb nom qo'ygandi. Otasi mamlakatdagi mashhur "5-aprel" qarorlaridan keyin ishsiz qolgan. Tirikchiliklari shu sigir bilan bog'liq. Sutidan pishloq, yog' olishar va kam qismini o'zlari uchun qoldirib, qolganini sotardi. "Qoraqiz"ni ko'p siylashardi.

Bola maktabdan kelar-kelmas sumkasini tashlar, kitob-daftarini yoniga olib, ekin yerlari o'rtasidagi yo'ldan sigirni haydab ketardi. Maydon tugagan joydan u yolg'i gilam kabi yastanib yotgan dalalar. Buvisining uyi ulamkiga yaqin. Bola ko'pincha buvisining yonida qoladi. Sigir boqarkan darslarini qilgan bo'lib, uzoq muddat xayolga cho'mar, o'z dunyosiga chuqur fikr ummoniga sho'ng'ib ketardi. Endi butun tashvishlar boshlanishi turgan gap.

Bola boshlang'ich maktabning uchinchi sinfida o'qirdi. Uydan chiqishdan avval, odatda, cho'ntaklarini quritilgan tut bilan to'ldirar, nonga pishloq qo'yib quyumoq qilari va uni gazetaga o'rab yegancha yo'liga tushardi. Bugun maktab yo'q. Ta'tilga ham oz qolgan. Dushanba kuni ham maktabga bormaydi, dam olish. Uch kun sigir boqadi endi. O'tirib, qo'shiq xirgoyi qildi. Kovushini yechib, ichidagi tuproqlarni to'kdi. Quyosh sekin yuqorilardi. Bolaning ko'zi tepalik ustida timirskilaniy yurgan tulkiga tushdi. O'tgan yili tog'asining tovuqlaridan o'tnatsini katakda bosgan, bir qanchasini tuproqqa ko'mgan tulkini bo'lsa kerak. Ovu damlari tog'asining xasilligi, baxilligi sababli shunday bo'lganini aytishardi. "Bir necha tovuq'ini zakot sifatida nochorlarga bersaydi, boshiga bu tashvishlar tushmasdi," deyishardi. Ba'zilar tog'asiga bundan ranjiganini aytisa-da, orqasidan uning holiga kulgan.

Ertasiga tong mahali, quyosh endi chiqayotgan payt ovulning narigi boshida bola tulkini yana ko'rdi. Kun ko'tarilgani sari tulkining soyasi kichiklashaverardi. Tongda uning soyasi buqanikidek bo'lsa, bora-bora bo'ri kattaligidek bo'lib qoldi. "Oftob tik kelganda tulkining soyasi kaltakesakdek bo'lib qoladi", dedi cho'pon bola. So'ng o'z soyasiga qaradi. Sal narida uyalarga arpa-bug'doy donalarini tashiyotgan chumolilarga ko'zi tushdi. Chumolilar o'zlaridan katta donlarni sudrayudray uyalarga keltirardi. Bola har kuni ularning tepasiga kelib tomosha qiladi. Hozir daf'atan terisi achishdi. Oyog'ini tishlagan chumolini ushlab oldi. Darhol bitta shoxchasini yuldi, keyin ikkinchisini ham. Uni uyasi-ning yoniga qo'yib, ko'z uzmay kuzatib turdi. Chumoli bitta joyda turardi. Boshqalari unga e'tibor ham bermas, donlarni uyasi-ning yoniga qo'yib, ko'z uzmay kuzatib turardi. Hozir daf'atan terisi achishdi. Oyog'ini tishlagan chumolini ushlab oldi. Darhol bitta shoxchasini yuldi, keyin ikkinchisini ham. Uni uyasi-ning yoniga qo'yib, ko'z uzmay kuzatib turdi. Chumoli bitta joyda turardi. Boshqalari unga e'tibor ham bermas, donlarni uyasi-ning yoniga qo'yib, ko'z uzmay kuzatib turardi.

Bolaning bobosi g'allani yig'ishtirgach, xirmon vaqti ozroq bug'doy keltirib, uyaning yoniga qo'ymoqchi edi. Keyinroq bu o'yidan voz kechdi. "Bu ishdan non puli bo'larmidi?" dedi. Chumolilarning o'zaro janjal qilishi-

lab: "Qani tezroq, Qoraqiz, tezroq. Shalabbo bo'lib ketamiz", dedi. Sigirni quvib tepalikdan pastga — to'g'ri uyga qarab kelardi. Bu orada yomg'ir siyraklashishga ham ulgurdi. Bola sigirni og'liga qamab, ichkariga chopdi. Suvga tushgan mushukdek jiqa ho'l edi. Javondan kiyimlari o'ralgan tugunni topdi. U yerda uchta tugun bor. Bola o'z zikinini oldi va tezda kiyimlarini almashtirdi. Buvisining tizzasiga boshini qo'yib, ojiz bir ovozda so'rdi: — Buvi, endi chumolilarning uyasi-ning suv to'ladimi?

— Yo'q, qo'zim, ularning uyasi juda chuqurda, to'lmaydi. — Ular bu havoda sovuq qotmaydimi? — Yo'q, ularni shunday yaratgan, sovuq qotmaydi.

Bolaning o'zi anchagina sovuq yegandi-da. U: "Chumolilarning ko'pi yomg'irda qolgandi. Rosa ivigan bo'lishsa kerak. Uzoqda qolganlari uyalarni topoladimi?" — deb o'ylarkan, tulki yodiga tushdi. Tulki tog'asining katagini bosganini necha bor tasavvur qilgandi. Uning tovuqlarga hujum qilishi ko'z oldidan film tasmasi kabi o'tardi.

— Ha, aytgancha, buvi, tog'aming tovuqxonasi-ning tushgan tulkini ko'rdim. Yuqoridagi bog'larga tomon ketayotgandi. — Endi kinningdir uzumiga tushadi. — Ovqatdan keyin meva yesa kerak-da u ham.

Kampir ixtiyorsiz kulib yubordi. O'tgan qishda buvisining sandig'i turadigan burchak xonadagi gilam xayoliga keldi. — Buvi, o'tgan yili gilamni sichqon kemirgandi. Keyin mushuk oldik, a? — U sichqonning jigari og'zidan kelsin. O'sha gilamni men kelin bo'lib tushganimda qaynotam qaynilarimga ot-aravada tashitgan sepimga olib kelib sovg'a qilgandi. Toza Turkman gilami.

Buvisi 80 yosh atrofida. 18 yoshida kelin bo'lgan ekan. Shunga ham 60 yilcha bo'libdi. U paytning odamlari qaysi yilda tug'ilganini aniq bilmasdi. Falonchi rahbarligi paytda, Qibris urushi boshlanganida yoki xirmon payti tug'ilganliklarini aytishardi. Buvisi ham shunday.

Kampir: "Balki, mushugimiz o'sha sichqonni yegandir" dedi. — Kech tushdi. Tashqarida hasharotlar umumiy xorini boshladi. Ularga uning qaysidir burchaklaridan qora chigirtkalar ham qo'shildi. Bola yotog'iga ancha kech kirdi. Charchoq uni yengandigi. Bir muddat yana chumolilarni o'yladi...

Ertasi kun. Maktab yo'q. Bola subhidamdan sigirini o'tloqqa keltirar-keltirmas chumolilar uyasi tomon yugurib ketdi. Ko'rdiki, hamma narsa xuddi kechagidek. Faqat uyaning atrofida bug'doy donalaridan asar ham yo'q. "Yomg'irda oqib ketgan", deb o'yladi bola. Tuproq qurigan, kecha yomg'ir yoqog'ini bilimmasdi ham. Quyosh yana ovulni, ekinzorlarni, adirlarni qizdira boshlagandi. Sigiriga qarab qo'yib, "Biroz aylanay-chi", dedi. Bugun hali tulkin ko'rmadi. Oqshomga qadar tepalikka har zamonda bir qarab qo'ysa-da, tulki yo'q. Bola sigirini haydab, qo'shiq kuylab, hushtak chalagancha uyiga jo'nadi.

Har doim yonidan o'tadigan na'matak Turkchadan Shahzod SHODMON tarjimasida.

Bilasizmi?

- Ko'rshapalaklar g'ordan chiqqanda doim chapga qarab uchadi. Ayollar va erkaklar uchun alohida vagonlar mavjud bo'lgan Dubay metrosi haydovchisiz mustaqil harakatlanadi. Miyamizning chap yarim shari tananing o'ng tarafini, o'ng yarim shari esa chap tarafini "nazorat" qiladi. Tojikiston poytaxti Dushanbe shahrining nomi dushanba kuni bilan bog'liq. Aytishlaricha, qadimda u yerda har dushanba kuni bozor bo'lib, u "Dushanba-bozor" deb atalgan. Olimlarning fikricha, sarimsoq piyozni ko'p iste'mol qiladigan odam yurak xastaligiga chalinmas ekan. "Formula-1" poyga avtomobilining shinalari yuqori tezlikda sekuntiga 50 martagacha aylanadi.

Odamlar orasida

Mehnat zavqi

Insonning qadr-qimmatini umrini halol-pok yashab o'tgani, hojatbarorligiga qarab belgilanadi. Kimningdir hojatini chiqarish buyuk jasorat emasdir, ammo bu hamma ham qila olmaydigan fidoyilik. Ayniqsa, halollik bilan, xalq uchun mehnat qilgan insonga havas qilasan.

Etikdo'zlik kasbi orqasidan ro'zg'or tebratib kelayotgan Orif Ashurov ana shunday insonlardan. — Qashqadaryo viloyatining chekka qishlog'ida yashayman, — deydi Orif usta. — Bu kasbning etagini tutganimga chorak asrdan oshyapti. Yoshligimdan qishlog'imizda biror yangilik qilishni, odamlarga foydani tegishini xohlardim. Keyinchalik zamonaviy oyoq kiyimlar tikishni yo'liga qo'yishni maqsad qildim. O'shanda 25 yoshda edim. Bu kasbning ustalaridan mehnat sirlarini o'rgandim. To'g'ri, qo'lmda ortiqcha daromadim, yordam so'raydigan odamim yo'q edi. Shuning uchun bu kasbni o'rganganimdan keyin uzoq yillar yakka o'zim mehnat qildim. Asta-sekin shogirdlar chiqardim. Hozirda qishlog'imizda kichik ustaxonam bor. Bundan tashqari sex ochganman. Bir necha yigitlar menga shogird tushib, ishini yurgizishyapti. Ularga zamonaviy sharoit yaratishga harakat qilayapman. Shu paytgacha bizning tumanda bu kasb bilan shug'ullanadigan hunarmand chiqmagan. Aholi sifatli oyoq kiyimlarga ehtiyoj sezgan. Vaqtni orqaga qaytarishning iloji bo'lganda yana shu kasbni tanlagan bo'lardim. Kam bo'lmadim. Mijozlarimning ko'zida mehnatmand mamnunlikni ko'rdim. Rahmat eshitdim. Hunarmandga bundan ortiq nima kerak? Odamlarning xursandligini ko'rsam, yanada quvonaman. Demak, mehnatim besamar ketmayapti. Hayotda maqsadga intilish kerak. Mashaqqatli bo'ladimi, unga yetishishning iloji yo'qdek ko'rinadimi hech qachon taslim bo'lmaslik kerak. Chin dildan mehnat qilib, qalbn doimo pok saqlasangiz, Alloh rizqingizni ham butun qilib qo'yaveradi. O'tgan yili ayolim bilan poytaxtni tomosha qilgani bordik. Anhadan beri yo'lizim tushmagan, yo'llar ham o'zgarib ketgan. Nima bo'ldi-yu, bir noqulay vaziyatga tushib qoldik.



Bu yerda qarindoshimiz ham yo'q. Kimdan yordam so'rashni bilmadim. Shunda toshkentlik bir mijozim esimga tushdi. Avval ko'ng'iroq qilishga xijolat tortdim. Chunki uni oldin umuman ko'rmagan, faqat telefonda gaplashib, buyurtmasini tayyorlab bergandim. Ko'ng'iroq qilishim bilan darhol yetib kelib, mushkulimizni oson qildi. Uyida aziz inson bilib bizni mehmon qildi. Shahami bir necha kun aylantirdi. Arzimagi mehnatim uchun shunchalik e'zozlanganimdan xursand bo'ldim.

Orif Ashurov haqida qishloqdoshi Farhod aka shunday deydi: — U inson faqat tirikchilik g'amida bu hunarni tanlamadi. O'zi tug'ilib o'sgan yerda oz bo'lsa-da, yangilik yaratishga harakat qildi. Hamqishlog'im bo'lgani uchun aytmayapman. Haqiqatan ham oddiy xalqqa foydasi tekkani uchun hurmat qilaman. Kasbga nisbatan nihoyatda mas'uliyatli. Ishidan norozi bo'lgan insonni uchratmadim. Ham sifat jihatdan, ham narx jihatdan hammaga ma'kul. Har bir mijozga chiroyli mumomala qiladi. O'z kasbining mohir ustasi. Shu o'rinda bir rivoyat esga tushadi. Kunlarning birida yosh yigitning erta sahardan ishga ketayotganini sahbalaridan ba'zilar yoqtirmay gapirishdi. Ular orasida bo'lgan Payg'ambarimiz (s.a.v.) marhamat qildilar: "Unday demanglar! Agar u birovgga muhtoj bo'lmaslik, ota-onasi va oila ahlini zoriqtirmaslik uchun ketayotgan bo'lsa, har qadami ibodat". Rivoyatdan ma'lum bo'ladiki, musulmon kishining yaxshi niyat bilan mehnat qilishi — ibodat. Hayotda hech narsa mashaqqatsiz qo'lga kiritilmaydi. Baxt ko'p mehnat qilganga nasib bo'ladi. Qanday kasb tanlasangiz ham yo'lingizda, albatta, turli to'siqlar uchraydi. Yutuqqa erishish esa murakkab. Muvaffaqiyat yo'lidagi asosiy to'siq — xato qilishdan qo'rqish. Eslab ko'ring, xato qilishdan cho'chib, asabiylashish, aybdor bo'lish, zimmangizga ko'p mas'uliyat olish, e'tibordan qolishdan qo'rqansiz. Qo'rquvni yengishning bir yo'li — unga yuzma-yuz borish va qo'rquv tug'ilgan vaziyatni to'g'ri baholash. Muhimi qilyotgan ishingizdan zavqlaning. Shunda eng og'ir ish ham ijodga aylanadi.

Dinara YUSUPOVA

Publication contact information including address, phone numbers, and subscription details.